

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ

531 Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси Давлат ёнғиндан сақлаш назорати томонидан республика ҳудудида хорижий инвестициялар ва (ёки) технологиялар жалб қилиниб амалга оширилаётган объектларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тузатиш ва техник қайта жиҳозлаш назорат қилиниши тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 23 мартдаги 93-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Давлат ёнғин хавфсизлиги хизматига шаҳарсозлик соҳасида юкланган вазибаларни Ўзбекистон Республикасининг «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2013 йил 4 октябрдаги 272-сон қарори талабларига мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғиндан сақлаш бошқармаси Давлат ёнғиндан сақлаш назорати томонидан республика ҳудудида хорижий инвестициялар ва (ёки) технологиялар жалб қилиниб амалга оширилаётган объектларни лойиҳалаш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, тузатиш ва техник қайта жиҳозлаш назорат қилиниши тартиби тўғрисидаги қоидаларни тасдиқлаш ҳақида» 1995 йил 23 мартдаги 93-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2016 йил 14 ноябрь,
386-сон